



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ

2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганлигига қарамай, 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш натижасида иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатлари, макро-иқтисодий мутаносиблик, аҳоли ҳаёт даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустақамлаш таъминланди.

Ялпи ички маҳсулот 8,2 фоизга, sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 7,7 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажми — 7 фоизга, пудрат қурилиш ишлари ҳажми — 11,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми — 13,9 фоизга ўсди. Инфляция суръатлари режалаштирилган даражада сақланди ва 7 фоиздан ошмади.

Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдордада профицит билан ижро этилди. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга барча харажатларнинг 59,2 фоизи йўналтирилди. Бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар бир йилда ўртача 26,5 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса — 17,5 фоизга ўсди.

Ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этган асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ошириб бориши иқтисодиёт ўсиши барқарор юқори суръатларининг ва унинг тузилмаларини диверсификациялашнинг асосий манбаи бўлди. 11,7 миллиард долларга тенг миқдорда ёки 2011 йилдагига қараганда 14 фоиз кўп инвестициялар жалб этилди. Барча инвестицияларнинг 22 фоиздан ортигини ёки 2,5 миллиард доллардан ортиқни хорижий инвестициялар ташкил этди, улардан 79 фоиздан ортиги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Барча инвестицияларнинг 74 фоизга яқини ишлаб чиқариш қурилишига йўналтирилди. 205 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди.

Экспорт ҳажми 11,6 фоизга ўсди, ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси 1,12 миллиард доллардан ортиқ миқдорда таъминланди. Экспорт таркибиде хом ашё бўлмаган тайёр товарлар экспорти 70 фоиздан ортиқни ташкил этди.

Молия-банк тизими барқарор ишлаб, 2012 йилда унинг жами капитали 24,2 фоизга, депозитлар ҳажми — 31,5 фоизга, шу жумладан аҳоли депозитлари — 34,6 фоизга кўпайди. Банкларнинг инвестиция мақсадлари учун ажратилган узоқ муддатли кредитлари ҳажми 30,7 фоизга кўпайди.

Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди — 80 та рухсат берувчи тартиб-қоидалар, фаолиятнинг 15 турини лицензиялаш бекор қилинган, статистика, солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботларнинг тақдим этиш шакллари ва даврийлиги 1,5-2 бараварга қисқартирилди. Бу 2012 йилда кичик бизнеснинг 23 миңгадан ортиқ янги субъектлари ташкил этилишига кўмаклашди. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес улуши 54,6 фоизгача ўсди, унинг экспорти ҳажми эса 2,2 миллиард доллардан ортиқ бўлди.

Хизматлар соҳаси, айниқса, алоқа ва ахборотлаштириш (24,5 фоизга), компьютер дастурлаштириш (18 фоизга), технологик асбоб-ускуналари таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш (17 фоизга), молия-банк хизматлари (17,6 фоизга) сингари хизматларнинг юқори технологик ва бозорга хос турлари юқори суръатлар билан ривожланди. Мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳаси улуши 52 фоиздан ортиқни ташкил этди.

Аҳоли бандлиги дастурларини амалга ошириш доирасида 973,5 миңга, шу жумладан қишлоқ жойларда 602,4 миңгадан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Касб-хўнар коллежларининг 2012 йилда ўқишни

тамомлаган 450 миңгадан ортиқ битирувчиларини ишга жойлаштириш таъминланди.

Шу билан бирга ҳудудларни комплекс ривожлантиришни, энг аввало sanoatни ривожлантириш, биринчи навбатда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ва минерал хом ашёни чуқур қайта ишлаш, қишлоқ жойларда замонавий хизматлар ва сервис соҳасини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳисобига комплекс ривожлантиришни таъминлаш борасида анчагина фойдаланилмаётган захиралар ва имкониятлар мавжуддир. Самарқанд, Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида ва бошқа вилоятларда мавжуд салоҳиятдан султ фойдаланилмоқда.

Иқтисодий инқироз давом этаётган ва жаҳон иқтисодиётининг ўсиши суръатлари пасайиб бораётган бир шароитда ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда хизматларнинг замонавий турларини кўпайтириш ва номенклатурасини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг энергия сифimini қисқартириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

2. Иқтисодиётда эришилган марралар, истиқболга мўлжалланган узоқ муддатли мақсадлар, жаҳон бозоридеги реал ва юзага келиши прогнозлаштирилётган вазиятдан келиб чиқиб, куйидагилар 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари этиб белгилансин:

иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш;

иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш; йўл-транспорт ва коммуникация инфраструктурасини жадал ривожлантириш;

мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шарти ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш;

иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакат аҳолиси бандлигини таъминлаш; аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлаш.

3. Вазирлар Маҳкамаси 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсин, йилнинг ҳар чорагида иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва соҳаларида ишларнинг ҳолати тўғрисида вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, ҳўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов, Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда жорий йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда 2012 — 2016 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурларини танқидий қайта кўриб чиқсин.

(Давоми 2-бетда).



Ҳалолликни бошқалар ўзбеклардан ўргансин

Баркамол авлод салоҳияти спортимизнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтирмоқда.

Фахр

Хабарингиз бор, яқинда Швейцариянинг Цюрих шаҳрида Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан 2012 йил якунлари бўйича турли номинациялар ғолибларини тақдирлашга бағишлаб ўтказилган маросимда Ўзбекистон футбол федерацияси "Fair Play" (Ҳалол ўйин) соврини билан тақдирланди. Мамлакатимизнинг бундай нуфузли мукофотга муносиб деб топилиши Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан келган эмас

Давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида юртимизда спортни оммаллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида алоҳида тўхталиб, Ўзбекистонга ФИФА совринининг берилиши ушбу йўналишдаги ишларимизни дунё тан олаётгани, бу борадаги саъй-ҳаракатлар бугун ўз ҳосилини бераётганининг яққол ифодаси эканлигини таъкидлади. Ўз навбатида, халқаро мукофот билан барчани самимий табрик-

лаб, у бутун халқимизга буюрсин, дея эзгу тилак билдирди.

— Албатта, бундай эътирофлар, юксак марралар ҳар биримизни қувонтиради, қалбимизга чексиз ғурур ва ифтихор ҳиссини бағишлайди, — дейди Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоалар маркази директори Асқар Толибжонов. — Эътибор беринг, айни пайтда ФИФАга 209 та футбол федерацияси аъзо. Нуфузли халқаро ташкилот ана шу мамлакатларда миллионлар ўйинини ривожлантиришда, аввало, мусобақаларнинг ҳалол, чиройли ўтказилишини таъминлаш, футболчилар онгда рақибга, ҳақамларга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш, шунингдек, муҳлислар маданиятини оширишга алоҳида аҳамият қаратади. Чунки спорт эзгу ҳосилини тарғиб қилувчи восита бўлиб қолмоғи керак. Мана шу талабларга қатъий амал қилиб, футболда мардлик ва ҳалоллик наму-

Мамлакатимизда 2012 йилда

108 та

болалар спорт объектлари
фарзандларимизни ўз бағрига олди.

наларини кўрсатиб келаётган миллий федерациялар ҳамда жамоаларга, муҳлислар ўртасида ҳурмат муҳитини мустақамлашга ҳисса қўшаётган мутахассисларга ФИФА томонидан 1987 йилда таъсис этилган "Fair Play" соврини берилди. Шу маънода, Ўзбекистоннинг бундай мукофотга лойиқ қилиниши ҳам ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунинг замирида юртимизда узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат, изчил ва заҳмат-

ли меҳнат мужассам. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, энди ҳалолликни бошқалар ўзбеклардан ўргансин.

Дарҳақиқат, Истиклол туфайли ўзбек футболни том маънодаги ривожланиш босқичига кўтарилди. Мамлакатимиз 1994 йилда ФИФАга аъзо бўлди. Утган вақт мобайнида футбол клубларининг моддий-техник базасини мустақамлаш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчиларни тайёрлаш, шунингдек, юртимиз футболнинг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, Футболни кўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. У айни вақтда болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

(Давоми 4-бетда).

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Латвия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Афзал Ортиқов маъруза мамлакат Президенти Андрис Берзиньшга ишонч ёрлиқларини топширди.

Фахр

Маросимдан сўнг Латвия Республикаси ўртасидаги икки томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий соҳалардаги, шунингдек, маданий

ҳамда гуманитар ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Узаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, турли йўналишларда биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш учун салоҳият мавжуд эканлиги қайт этилди.

Латвия Президенти Ўзбекистоннинг раҳбариятига ва барча халқига чин дилдан фаровонлик ва муваффақиятлар изҳор этди.

«Жаҳон» АА.

Юртимиз обод, турмушимиз фаровон

Яқунланган 2012 йил иқтисодиётимизнинг барча соҳалари, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалиги учун ҳам юксалиш ва ривожланиш даври бўлди.

Дил сўзи

Биргина бизнинг вилоятимизда 342 миң тоннадан зиёд пахта, 168 миң тоннадан ортиқ галла етиштирилгани, қолаверса, пиллачилик ва чорвачиликда ҳам қувонарли натижаларга эришилгани ана шундан далолат беради.

Албатта, ҳар қандай муваффақият за-

мирида инсон омили мужассам. Бунинг Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаб, хусусан, аграр соҳада қўлга киритилган ютуқларда ўзини аямасдан меҳнат қилган қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари, дехқону механизаторлар қаторида фермерларнинг ҳам ҳиссаси катта эканлигини алоҳида эътироф этди. Ростини айтсам, шунда қишлоқ мулкдорини бўлганлигимдан бениҳоя ғурурландим.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа

сатрларда

● Андижон шаҳрида "Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги — оила фаровонлиги гаровидир" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбир Олий Мажлис ҳузуридеги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва

● Урганч шаҳрида Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган он-лайн конференция бўлиб ўтди. Тадбирда ҳудуднинг сайёҳлик салоҳияти, туризм хизматлари кўламини кенгайтириш борасидаги имкониятларга доир тақдиротлар ўтказилди. Шу билан бирга, "Хоразм вилоятида 2013 — 2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастури" лойиҳаси юзасидан иштирокчиларнинг тақлиф ва мулоҳазалари тингланди.

● Жомбой туманида замонавий технологиялар асосида йилига икки марта пилла етиштириш имкониятига эга ипак курти боқий мажмуаси очилди. Бу ерда ҳар бир хона кўп қаватли сўрилар ва ҳароратни муътадил сақлаб турувчи қурилмалар билан жиҳозланган бўлиб, уларда

фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти асосида "Меҳримиз сизга" нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ўтказилди. Унда грант маблағларини хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш, уларни касб-хўнарга ўргатиш каби мақсадларга сарфлаш режалаштирилгани маълум қилинди.

70 қутигача ипак куртини сифатли парвариш қилиш имконияти мавжуд. Шунингдек, мажмуада замонавий жиҳозлар билан таъминланган лаборатория, амалиёт хонаси, ишчи-хизматчиларга маънавий ва савдо чилмази кўрсатиш учун шохобчалар ҳам ташкил этилган.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



24 соат ичида

ЖАҲОН

АҚШнинг "Boeing" авиаконцерни "Boeing 787 Dreamliner" русумидаги самолётларни ишлаб чиқаришда давом этади.

Камчиликлар бартараф этилади

Бу ҳақда "Франс пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатади. Гап шундаки, Япония авиакомпаниялари томонидан харид қилинган шундай русумдаги самолётлар билан айрим кўнгилсиз воқеалар юз бергач, оммавий ахборот воситаларида "Boeing" бу туркумдаги ҳаво лайнерини йиғишни вақтинча тўхтатади мазмунидаги маълумотлар тарқатилган.

Аммо АҚШ авиаконцерни мутасаддилари самолётлар билан боғлиқ камчиликлар аниқланганини ҳамда уларни бартараф этиш ишлари бошлаб юборилганини таъкидлаб, буюртмалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини билдиришди.

Япониянинг "Sony" корпорацияси АҚШнинг Манхэттен шаҳридаги биносини сотишга қарор қилди.

Фаолиятини яхшилаш мақсадида

Уни харид қилишга маҳаллий "Chetrit Group" компанияси жиддий қизиқмоқда. Агар томонлар ўшбу масалادا бир тўхтама кела олсалар, "Sony" бундан 770 миллион АҚШ долларини миқдоридан маблағ ишлаб олади. Ушбу хабар тарқатилиши билан "Sony"нинг қимматли қозғолар бозоридagi акциялари нархи 12 фоизга ошган. Корпорация, шунингдек, 27 қаватли "Sony City Osaka" номи биносини ҳам сотувга қўйган.

Маълумотларга кўра, корхона ўз фаолиятини қайта ташкил қилиш ва молиявий муаммоларни бартараф этиш мақсадида ана шундай режаларни амалга оширишга мажбур бўлмоқда.



Қиш синовлари

Европанинг бир қатор мамлакатларида тинимсиз ёғаётган қор туғайли самолётлар қатнови издан чиқди.

Хусусан, Лондондаги "Хитроу" аэропорти вақтинча ёпиб қўйилди. Бунинг натижасида 260 та рейс бекор қилинди. Париждаги "Шарль де Голль" ва "Орли" аэропортларида ҳам 40 га яқин йўналишдаги парвозлар кечиктирилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Молия муассасаларида



Ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш, шу асосда аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш, шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишни тақозо этади. Шу боис мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан хусусий секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқий ҳимоясини қучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбиркорларнинг яқин ҳамкори

Натижада тадбиркорлик субъектлари сони йил сайин кўпайиб, уларнинг яқин ички маҳсулотдаги улуши салмоқли бўлмоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг таянч соҳасига айланган кичик бизнесни янада тараққий эттириш, айниқса, банк-молия тизими зиммасига юксак масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, "Асака" банки Андижон вилояти филиали томонидан ҳам ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётгани диққатга сазовор.

Жумладан, банк филиали кредит қўйилмалари ҳажми 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, 68,1 млрд. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 76,9 фоизга ўсди. Кредит қўйилмаларининг 93,7 фоизи узок муددатли кредитлардан иборатдир. Эътиборлиси, иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилаётган сармояларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Аниқроғи, мазкур соҳага ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технология янгилаш, юқори технологияли, замонавий, инновацион ишлаб чиқариш тармоқларини шакллантириш ва бошқа мақсадлар учун йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 1,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга, кичик корхоналар, микрофирмалар ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорларга ажратилган микрокредитлар ҳажми 40 фоизга ошди. 2012 йил давомида банк филиали томонидан кичик бизнес субъектларига жами 1,4 млрд. сўм миқдорида микрокредит маблағлари берилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қаратилди. Албатта, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида қорва молларни кўпайтириш рағбатлантириш чора-тадбир-

эшигини очиб берди. Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан йўналтирилган кредитлар ҳажми 2,5 млрд. сўмга етди. Пировардида кўллаб янги иш жойлари яратилиб, аҳолининг, айниқса, қишлоқда яшовчиларнинг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қаратилди. Албатта, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида қорва молларни кўпайтириш рағбатлантириш чора-тадбир-

лари тўғрисида"ги қарори бу борада энг муҳим дастуриламалардир. Хусусан, 2012 йилда ана шу йўналишда банк филиали томонидан 217,1 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Иқтисодиётимизда тобора мустақам ўрин эгаллаётган касаначи-

хисобидан 2012 йил давомида тадбиркорлар 352,0 млн. сўм миқдоридаги имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланишди.

— Ички ва ташқи бозор талабидан келиб чиқиб, аҳоли учун зарурий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши тадбиркорларга қулай муҳит яратиб берилгани, соҳага кўллаб имтиёзлар татбиқ қилинаётгани жуда қўл келаяпти, — дейди "Кўргонтепа нон маҳсулотлари" ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти раҳбари Хайрулло Абдужалилов. — Хусусан, бизнес лойиҳамизни муваффақиятли амалга оширишда "Асака" банки молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганидан миннатдоримиз. Қолипи нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича таклиф қилган лойиҳамизда кўзда тутилган замонавий технология усулна ва жиҳозларни кредит хисобига олиб, ишга туширидик. Натижада фаолиятимиз анча кенгайди. Кўшимча иш ўринлари вуқудга келди. Келгусидан янги режаларни амалга оширишни мўлжаллаяпмиз. Чунки "Асака" банки бизнинг ишончли ҳамкоримиз. Шундай экан, кўнгилмиз тўқ, албатта, ниятларимизга етамиз.

ошди, умуман, банкнинг маҳсул жамғармаси

Дарҳақиқат, банк учун миқоз ишончини оқлаш, унга кўмақдош бўлиш бирламчи вазифалардандир. Бинобарин, "Асака" банки Андижон вилояти филиали жамоаси ҳам аҳоли билан ҳамкорлик ва ҳамкадамликда фаолият юритишга астойдил ҳаракат қилиб келмоқда. Қувончлиси, банк филиали томонидан 2012 йил мобайинида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар туғайли 350 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Бу эса мазкур молия муассасасининг сармоялари тараққиётга, фаровонликка, сўт ободлигига ўзига яраша ҳисса бўлиб қўшилаётганини яққол тасдиқлайди.

Банк матбуот хизмати.

Савдо ишлари кўнгилдагидек эмас

2012 йилда Франциянинг "Renault" автоконцерни маҳсулотлари савдоси 6,3 фоизга пасайган. Бу олдинги йилдагига нисбатан 2,55 миллион дона автомобил кам сотилди, деганидир.

Экспертларнинг изоҳлашича, Европада мазкур русумдаги машиналарга талаб сезиларли даражада сустлашган. Шу боис корхона мутасаддилари муаммони бартараф этиш чораларини изламоқдалар. Жумладан, 2016 йилга қадар мавжуд иш ўринларининг 7,5 миңга яқинини қисқартириш режалаштирилмоқда.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси

қуйидаги хизматлар бўйича аутсорсинг танлови эълон қилади:

- юридик ассистанс хизматларини кўрсатиш;
- жабранувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари)га компенсация тўловларини амалга ошириш юзасидан тақдим қилинган илтимосномалар бўйича аджастер хизматларини кўрсатиш.

Юридик ассистанс хизмати учун шартлар:

- юридик хизмат кўрсатишга тегишли лицензияга эга бўлиш;
- суғурта соҳасида регресс ҳуқуқини амалга ошириш бўйича 1 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиш;
- таъшилотда 2 та юрист штатида эга бўлиш;
- республика ҳудудида регресс ҳуқуқини амалга ошириш имкониятига эга бўлиш.

Жабранувчилардан (уларнинг меросхўрларидан ёки ҳуқуқий ворисларидан) компенсация тўловларини амалга ошириш юзасидан тақдим қилинадиган илтимосномалар бўйича аджастер хизматларини кўрсатиш учун шартлар:

- аджастер хизматларини кўрсатиш соҳасида 1 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиш;
- тақдим қилинган илтимосномаларнинг умумий сонидан республика ҳудудида (Тошкент шаҳридан ташқари) тақдим қилинадиган илтимосномаларнинг 60 фоизидан кам бўлмаган миқдорда таъминлаш, республика ҳудудининг камида 60 фоизда ўз ваколатхоналарида эга бўлиш;
- таъшилот штатида суғурта соҳасида 2 йиллик иш стажига эга камида 2 та мутахассиснинг мавжудлиги.

Танлов шартларини тасдиқловчи ҳужжатларни, шунингдек, хизматлар нархи бўйича таклифларни тақдим этиш мuddати 2013 йилнинг 10 февралигача узайтирилгани маълум қилинади.

Тел./факс: (8-371) 239-42-34. www.tkj.uz

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилайдиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига ўйчи тумани СИБ томонидан Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 13 ноябрдаги 16-1204/11666-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ўйчи тумани, «Еркатай» ҚФЙ, «Файзобод» МФИда жойлашган, «Фазлидин Ибрагимов» фермер ҳўжалигига тегишли, қурилиш ости майдони 5778,24 кв.м., фойдаланиш майдони 5572,8 кв.м. бўлган 15 турдаги бино-иншоотлардан иборат пилла сақлаш омбори такоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 325 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 8 февраль кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 6 февраль кунин соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотечка-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефон: (8-369) 226-54-47. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилайдиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Юқори Чирчик тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такоран қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ясавий Агросервис» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Юқори Чирчик тумани, «Суранкент» ҚФИда жойлашган, умумий ер майдони 6793,75 кв.м., қурилиш майдони 1942,73 кв.м. бўлган гараж биноси.

Бошланғич баҳоси — 160 819 362 сўм.

2. Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6571-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Арганич универсал сервис» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Юқори Чирчик тумани, «Арганич» ҚФИда жойлашган, умумий ер майдони 224,29 кв.м. бўлган омборхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 20 030 013 сўм.

3. Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6547-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юқори Чирчик тумани, Янгибозор қўрғонида жойлашган, «Пиллакор» МЧЖга тегишли, умумий майдони 942,2 кв.м. бўлган, Глитердаги бостирма.

Бошланғич баҳоси — 27 068 062 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 11 февраль кунин соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 8 февраль кунин соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001

Реклама ва эълонлар

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очик аукцион савдосига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 26 февраль кунин соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилайдиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Яқсарой тумани судининг 2012 йил 24 сентябрдаги 1-381/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Файзли кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 36 794 кв.м., қурилиш ости майдони 7 141 кв.м., А, Б, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 36, 39, 41, 42-блоклардан иборат 2 қаватли маъмурий бино ва ертўладан иборат бино-иншоотлар.

Бошланғич нархи — 2 931 507 579 сўм.

2. Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 17 ноябрдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар:
 1. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уй, 71-хонадон, 3-қаватда жойлашган, 4 хонали, умумий майдони 116,75 кв.м., яшаш майдони 79,94 кв.м. бўлган таъмирсиз ўй-жой.

Бошланғич нархи — 259 301 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўласида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобиларни сақлаш жойи.

Бошланғич нархи — 42 470 000 сўм.

Талабгорлар диққати! Юқоридаги кўчмас мулклар ўшбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан ўтказилайдиган такорорий аукцион савдоси 2013 йил 13 март кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

3. 2013 йил 12 март кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очик

Манзил: Тошкент шаҳри, Кушбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24.
Лицензия: № RR-0017.

САНОАТ КОРХОНАСИ
бош энергетикнинг биринчи ўринбосари
лавозимига ишга қабул қилиш учун танлов эълон қилади.

НОМЗОДГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:

- соҳа бўйича олий маълумотга, муҳандис-техник ва раҳбар лавозимларида 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш
- хавфсизлик гуруҳи 5-даражадан паст бўлмаслиги
- Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.

Иш ҳақи — суҳбат натижасидан кейин белгиланади. Келажакда лавозимда ўсиш имконияти мавжуд.

Шунингдек,
юқори малакали электриклар ҳамда назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича (КИП ва А) созловчи-ишга туширувчилар ишга қабул қилинади.

Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Ходимлар бепул оқват ва транспорт билан таъминланадилар. Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудига болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

МУЛОКОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(8-371) 241-10-81, (+99890) 929-55-97.

СОТАМИЗ:

- ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ* 15 кВтдан 2000 кВтгача
- БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача
- НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*: турли ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.

Буюртма бўйича. *Маҳсулот сертифициқланган.

Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.
Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.
e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси Эстрада ва оммавий томошалар санъати кафедраси муdiri Жаҳонғир Маматқосимовга акаси Алимқул МАМАТҚОСИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Кулайлик

Нукус шаҳридаги қарийб 20 минг аҳоли истиқомат қилувчи Тошқоқ маҳалласи ахли яна бир замонавий қулайликдан баҳраманд бўлди.

Бу ерда банкнинг 200 миллион сўмлик имтиёзли кредити ҳисобига маиший хизмат қўрсатиш маркази фаолияти йўлга қўйildi.

Мақсадида замонавий аудиотизим, рекламаларни намойиш қилиш учун футбол майдони четида видеоборт мосламалари жойлаштирилган.



Ҳалолликни бошқалар ўзбеклардан ўргансин

Баркамол авлод салоҳияти спортимизнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтирмоқда.



— Юртбошимиз билан узрашган кунимиз бир умрга ёдимдан чиқмайди, — дейди футбол мактаби тарбияланувчиси Темур Ҳамроев.

Муваффақиятларга бой йил 2012 йилги спорт мавсуми ўзбек футбол учун муваффақиятларга бой бўлди.

Узоқни кўзлаб амалга оширилаётган мана шундай оқилона сиёсат туфайли йилдан-йилга республикада замонавий, халқаро талаблар даражасида жиҳозланган спорт иншоотлари, майдончалари, сузиш хавзалари сони тобора ортиб бормоқда.

лаштиради, таянч-ҳаракат аъзоларига икбий таъсир ўтказиши, суяк-мушак тизими ва танани чиниктиради, ўпка-бронх касалликларининг олдини олишга ёрдам беради.

лур” футбол стадионларининг барпо этилиши ана шу савий-ҳаракатларнинг амалий ифодасига ёрқин мисолдир.

Айниқса, муқтадрилигимизнинг 21 йиллиги арафасида қуриб битказилган замонавий, гўзал ва бетакор “Бунёдор” спорт мажмуаси халқимиз бунёдкорлик салоҳиятига янқоқ намойиши бўлди.

Жисмонан соғлом, маънан етук Фарзанд тарбияси юрт тараққиёти, жамият равнақида муҳим аҳамият касб этади.

Умумий жисмоний тайёргарлик қувватли, чидамлилик, чаққонлик каби сифатларни ривожлантиради, — дейди Республика истиқослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Дилором Аҳмедова.

Энг муҳими, давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат моҳиятини ота-оналар чуқур англаб етишмоқда.

Аммо мана бундай шариоитларни, ҳатто, тасаввур ҳам қилиб кўрмаганман, — дейди “Бунёдор” болалар ва ўсмирлар футбол мактаби директори Сергей Лушан.

Уз фикирга, мақсадида ага мана шундай ёшларимизнинг борлиги бизнинг бахтимиз, ғуруримиз. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, одобли, билимдон ва ақли, меҳнатсевар, иймон-этиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлиғидир.

Жисмонан соғлом, маънан етук Фарзанд тарбияси юрт тараққиёти, жамият равнақида муҳим аҳамият касб этади.

— Умумий жисмоний тайёргарлик қувватли, чидамлилик, чаққонлик каби сифатларни ривожлантиради, — дейди Республика истиқослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Дилором Аҳмедова.

Бундай имкониятлар мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам яратилгани спорт одамларимиз ҳаётининг ажралмас бир бўлагига айланишига хизмат қилмоқда.

Мен ўзим узоқ йиллар футбол билан шуғулланганман. Аммо мана бундай шариоитларни, ҳатто, тасаввур ҳам қилиб кўрмаганман, — дейди “Бунёдор” болалар ва ўсмирлар футбол мактаби директори Сергей Лушан.

Қайд этиш жоизки, “Бунёдор” стадионида футболчилар, томошабинлар учун барча қулайликлар яратилган.

Юртимизда нафақат футбол, умуман, спортни оммавий ҳаракатга айлантириш учун улкан имкониятлар яратиб берилаётгани ана шундай ислохотларнинг ёрқин ифодасидир.

...Мақола аввалида гапни футбол мавзусидан бошлаган эдик. Биласиз, шу кунларда Санкт-Петербург шаҳрида футбол бўйича Муқтадқ Давлатлар Хамдўстлиги кубоги бахслари бўлиб ўтмоқда.

Шавкат ОРТИҚОВ, Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

OB-XABO (22 январь) Коркалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида -2 +3 -2 +3 Бухоро ва Навоий вилоятларида 0 +5 +5 +10 Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида 0 +5 +5 +10 Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида +2 +7 +7 +12 Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида 0 -5 +2 +7 Тошкент шаҳрида +3 +5 +6 +8

UZTELECOM «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, жорий йилнинг январь, февраль ойларида Янгиобод телефон боғламаси 290/292-ЭАТС ва ЭАТС-298 ҳудудидagi Оханграбо кўчасида ўрнатилган MSAN қурилмаси ишга туширилиши муносабати билан қуйидаги: Уйсозлар мавзеси, Уйсозлар, Оханграбо, Чашма, Мулоийм, Табаррук, Саодат, Чарос кўчалари ҳамда уларга туташ тор, берк, мулоийш кўчалари ва кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчи аҳолининг телефон рақамлари ўзгариши ҳамда қисқа алоқа узилиши мумкинлигини маълум қилади.

HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO., LTD. Экскаваторы колесные и гусеничные Фронтальные погрузчики Мини-погрузчики Экскаваторы-погрузчики Вилочные погрузчики Поставки из Кореи ООО «GST OIL» — официальный дистрибьютор в Узбекистане Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Исск с/в, 118. Телефоны: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60. E-mail: gsthundai@gmail.com Web site: www.hhi.uz

Фермернинг биогаз қурилмаси Дала четига ўрнатилган ушбу мола-мамининг афзаллиги шундаки, у атроф-мухитга зиён етказмай, 5 тонна чиқиндидан 50 кубметр биогаз ишлаб чиқаради.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 130 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонар 232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЕЗМАЛАР ТАКРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРИЯТ ЖАВОБҲАР ЭМАС. ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРИДИ ҲАМДА ОПЕРАТОР М. БЕГМУРАТОВ ТОМОНИДАН САҲФИЛАЛАНДИ. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оршов. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортоқов. Навбатчи — М. Холматов. Мусахҳа — Ш. Машраббев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буоқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 20.30 Тошхирот — 22.30 1 2 3 4 5